



2018 у.г. «10» сентябр № 3424-Қ Самарқанд т.-р. Самарқанд

**Самарқанд тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ва туман ҳокимининг ўринбосарлари комплекси тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сонли “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ва вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги 603-Қ-сонли шу ҳақдаги қарорлари ҳамда туман ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарқанд вилоят ҳокимининг 2018 йил 8 сентябрдаги “Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 603-Қ сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан:

Самарқанд тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 4-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, кичик саноат зоналари ва туризмни ривожлантириш масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 5-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари комплекси тўғрисидаги Низом 6-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси комплекси тўғрисидаги Низом 7-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги Хотин-қизлар кўмитаси комплекси тўғрисидаги Низом 8-иловага;

Самарқанд тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг барча ўринбосарлари ва бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

4. Туман ҳокимининг 2017 йил 28 апрелдаги 146-Ф-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (Ф.Мисиров) туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.



**Туман ҳокими**

**Ш.Джамалов**